

ТОШКЕНТ HAQIQATI

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_



QR-kod

Кун тартиби



ЯНГИ ЛОЙИХАЛАР БИЛАН ТАНИШИЛДИ

Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев "Ангрен" эркин иқтисодий зонасидаги 4 та лойиҳа билан танишди.

Вилоят раҳбари хорижий ва маҳаллий инвесторлар билан юзма-юз мулоқот қилиб, уларнинг муаммо ва тақлифларини тинглади.

Маълумки, "Ангрен" эркин иқтисодий зонаси доирасида жами 63 та лойиҳа мавжуд бўлиб, шундан ҳозирга қадар 47 таси йўлга қўйилган.

Вилоят ҳокими дастлаб Хитойнинг йирик компаниясига тегишли "Zhong Peng ceramics international" МЧЖ хусусий корхонасида бўлди.

"Гулбор" маҳалласининг 10,47 гектар ер майдонида жойлашган мазкур корхона қурилиши давом этмоқда. Ушбу корхона йилгига 7,5 млн. кв.м керамогранит плита ишлаб чиқариш қувватига эга. Лойиҳа қиймати 29 миллион 549 минг АҚШ долларига тенг. Айни пайтда 12,5 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилган.

Янги лойиҳани келгуси йилнинг иккинчи чорагида ишга тушириш режалаштирилган. Йиллик экспорт ҳажми 12,7 миллион долларни ташкил этадиган корхонада жами 260 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Сўхбат давомидида хитойлик ишбилармонлар вилоят раҳбарининг лойиҳани "Яшил энергия" тамойили асосида татбиқ этиш борасидаги тақлифини қўллаб-қувватладилар.

Шу кунги Зойир Мирзаев Ангрен шаҳар ҳокими ва сектор раҳбарлари билан биргаликда Гафур Ғуллом номли маҳаллада жойлашган "Ангрен" ЭИЗ ҳудудида ўз фаолиятини кенгайтираётган, ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Mill Expro" МЧЖ қўшма корхона лойиҳаси билан ҳам танишдилар.

Вилоят ҳокими тадбиркорлар билан юзма-юз мулоқотда бу корхонада ун маҳсулотларини ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш ва ҳудуд ер майдонидан самарали фойдаланиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва шу орқали иш ўринларини кўпайтириш билан боғлиқ тақлифларини билдирди.

Шунингдек, шаҳардаги инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, ҳудуд имкониятларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида, "Ангрен" ЭИЗ ҳудудидаги лойиҳаларни татбиқ этаётган корхоналар фаолияти билан ҳам яқиндан танишилди.

Бундан ташқари, Қозғоғистоннинг "Гурум" маҳалласидаги "Ecoton Sharq" хорижий корхонасининг фаолияти ҳамда "Мустақиллик" маҳалласида жойлашган "Ангрен автобус такси саройи", чинни идишлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги завод қурилиши лойиҳаси ўрганилди.

Тошкент вилояти ҳоқимлиги
Ахборот хизмати

БУТУН ДУНЁ СИФАТГА ХАРИДОР



Ўрта Чирчиқ туманининг "Бунёдкор" маҳалласида жойлашган "Демикс" корхонаси фаолиятини бошлаганига эндигина бир йилдан ошган бўлса-да, сифатли маҳсулотлари билан нафақат республикада балки кўшни давлатларда ҳам танилиб улгурди.

Ҳозирда тумандаги энг йирик тикув цехида асосан эркаклар кийимлари тайёрланади.

2

Кичик
бизнес

"ТЎҚСОНБОСТИ"НИНГ ТЎҚСОН БОТМОН ҲОСИЛИ



Бу йилги кузнинг то ҳозирга қадар ҳам "очиқиб" тургани деҳқону фермерларнинг даладаги ҳосилни қийинчиликсиз йиғиб олиши ва келгуси йилга пухта тарадуд кўришига имкон яратиб берди.

Мавсум юмушлари

Биласиз, деҳқону боғбоннинг иши даладаги ҳосилни йиғиштириб олиш билан ниҳоясига етмайди. Энди у келгуси йил "ғамини ейди". Демак, навбат тўқсонбости экинларга. Халқимизда "Тўқсонда сугорсанг, тўқсон ботмон ҳосил оласан", деган ибора бор. Бунда қишнинг тўқсон куни назарда тутилган. Бу ибора бежиз айтилмаган, албатта. Мутахассислар ҳам кўзда экилиб, қор остида қолдирилган сабзавот экинлари уруғи кўкламда ердан жуда барвақт униб чиқиб, тез ривожланиши ҳисобига эрта ҳосил беради, дея таъкидлашади.

Деҳқончиликнинг тўқсонбости усули яхшигина даромад келтириши билан бирга аҳолининг эртаки сабзавот ва резаворларга бўлган талабини қондириш имконини беради. Натижада қиш ва баҳор ойларида ҳам бозорларимиз тўкин-сочин, нарх-наво барқарор бўлади. Шу сабабли ҳам вилоятимиздаги фермер ҳўжаликлари ва аҳоли томорқаларида тўқсонбости экинларни экишга катта эътибор қаратилмоқда.

2

Йўл маданиятида гўлмизми, "ноль" миз?



2

Аваз
ОХУН:

"КУЛГУ -
УЛУҒЛАР ҲАМ
БЎЙИН ЭГГАН
КУЧ..."

4

Шу сонга хушxabар



Минск шаҳрида спортнинг қўл жанги тури бўйича 18 ёш ва ундан катта спортчилар ўртасида Жаҳон кубоги баҳслари ўтказилди. Кувонарлиси, мазкур мусобақада иштирок этган Тошкент вилоятининг 3 нафар спортчиси шохсупадан жой олди.

Фарин!

Хусусан, турнирнинг 58 кг. вазн тоифасида ангреник Динора Набиева ҳал қилувчи жангда қозғистонлик Алгерим Торехановани мағлуб этиб, олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, Илёс Комилов +97 кг. вазн тоифасида тенгсиз деб

топилди. +70 кг. вазнлилар баҳсида иштирок этган Махлюё Абдуманнопова эса бронза медалини қўлга киритди.

Турнир якунида ўзбекистонлик спортчилар умумжамоа ҳисобида 1-ўринни эгаллашди.



– Махсулотларимиз “Демикс” бренди остида сотувга чиқарилади, – дейди корхона иш бошқарувчиси Акбар Абдурахимов. – Бу ерда кунига 2 мингта махсулот тайёрланади, пойтахтдаги савдо дўконимизга жўнатилади ва миқдорларга

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

БУТУН ДУНЁ СИФАТГА ХАРИДОР

тарқатилади. Келгусида иш кўламини янада кенгайтириб, вилоят бўйлаб филиаллар ташкил этиш ҳамда қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз.

Корхонада юзга яқин ишчи-хотимлар меҳнат қилади.

– Цех очилганидан бери шу ерда ишлайман, – дейди Фотима Ҳасанова. – Корхонада ишчилар учун барча шароитлар яратилган. Ишга қатнаш учун транспорт йўлга қўйилган, бир маҳал иссиқ оқват берилди. Раҳбарларимиз сифатга алоҳида эътибор қаратишади. Талаб ҳам шунга яраша.

Дарҳақиқат, корхонада кийимлар сифатли тикилиши учун ҳар бир кичик деталга ҳам аҳамият берилди. Матолар махсус буюртма асосида тайёрланиб, келтирилади. Бичишдан аввал ўлчамлар қайта текширилиб, сўнгра тикув цехига жўнатилади.

Жараёнга шундай жиддий ёндашув сабабли, корхонада тайёрланган махсулотларга талаб ортиб, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Цех мутасаддилари маҳалладаги

муаммоларга бефарқ эмас. Хусусан, жорий йилги аномал совуқда электрга бўлган талабнинг кескин ошиши натижасида ҳудуддаги трансформаторда носозликлар кузатилди. Корхона раҳбарлари муаммони ҳал этиб, қисқа фурсатда янги трансформатор ўрнатилди. Ундан цех билан бирга маҳалладаги хонадонларнинг бир қисми ҳам фойдаланиб келмоқда.

Сухробжон САДИРОВ,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Жалолддин ЭСОНОВ
олган суратлар



Вилоят бўйлаб

ТОШКЕНТ вилояти ҳокими Зойир Мирзоев ўрта чирчиқ туманидаги “Туркистон” маҳалласи ҳудудида ташкил этилаётган мебелчиликка ихтисослашган микромарказ қурилиши билан яқиндан танишди. Ҳудудда бизнес муҳитини яратиш борасида мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва тавсиялар берди.



ПИСКЕНТ туманининг “Сувти” маҳалласида Республика ишчи гуруҳи аъзолари “Обод кўча, обод хонадон, обод маҳалла” мезонлари бўйича амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўк-ламзорлаштириш ишлари билан яқиндан танишди. Урганишлар натижаси бўйича тегишли масъулларга кўрсатмалар берилди.



АНГРЕН шаҳрида спортнинг “Ўзбек жанг санъати” тури бўйича аънавий тарзда ўтказилиб келинаётган V “Прокурор кубоги” мусобақаси бўлиб ўтди. Ҳали ва совриндорларга эсдалик совғалар топширилди.



ТОШКЕНТ туманидаги умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти билан яқиндан таништирилмоқда. “Касбий билим ва маслаҳат ойлиги” доирасида ташкил этилган амалиёт машғулотларида улар “BONITO kids” болалар кийим фабрикасига экскурсияга боришди.



Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

Бир қишлоқ тарихи

Оққўрғон туманининг “Зарбдор” маҳалла фуқаролар йиғинида Самарқанд қишлоғи бор. Масканга бундай ном берилишининг сабаби, ҳудуд аҳли Самарқанд томонлардан.

ОҚҚЎРҒОНДАГИ “САМАРҚАНД”

Урушдан кейинги йилларда Самарқанд вилоятининг Булунгур туманидан бу ерга дастлаб учта оила кўчиб келган бўлса, ҳозир ҳудудда 250 дан ортиқ оила, 700 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади.

Эронбой Қурбонов ҳам дастлаб кўчиб келганлардан бири. Ҳозирда 80 ёшда бўлсада, кўринишидан анча тетик отахон қишлоқдаги энг ёши улуглардан. Барча уни “Эрон бобо” деб қақиради, ҳеч бир тўй-юмърақа отахоннинг иштирокисиз ўтмайди.

– Ўзим Самарқанд вилоятининг Булунгур туманида туғилганман, – дея ўтган йилларни хотирлайди Эронбой ота. – Биз яшаган туманда шароит ниҳоятда оғир эди. Меҳнат қилиб пул топиш, рўзгор тебратиш учун ер ва сув муаммоси “оёқдан чаларди”. Макка мон ердик, ҳатто қорларни эритиб, сувини ичганмиз. Экин экиб, ҳосил олишни-ку, гапирмасам ҳам бўлади. Ёшлик чоғимдаги у қийинчилик кунларни жуда яхши эслайман. У вақтларда одамлар қаерда яшаш қулай бўлса, юкларини от-аравага ортиб, ўша ерларга кўчиб кетаверишган. Ота-онам Тошкент вилоятининг ерлари серҳосил, сувга бой эканлигини эшитиб, мана шу Оққўрғон туманига келишга қарор қилишган. Отанинг – Садирбой, Қурбонбой ва Наҳорбой исмли дўстлари ҳам биз билан бир вақтда келишган. 1950-йиллар бўлган ўшанда.

Биз келиб жойлашган ер Куйбишев номли колхоз экан. Атроф қамишзор, бошланамиз йўқ. Маҳалладан олисроқ бўлган бу жойда ота-онам ўзимизга мослаб кичкина қулба ясаб олишган. Деярли ҳеч нимамиз йўқ эди: кўрпа, ёстиқ, бир сидра кийим-бош ва керакли идишлар...

Кейин ҳосилдор мана шу тупроқда барчамиз астойдил меҳнат қила бошладик. Вақт ўтиб, Булунгурдан бирин-кетин анчагина

оилалар кўчиб келиб, жойлашди. Фақат самарқандликлар жойлашгани учун бу ерни “Самарқанд” деб аташни таклиф қилганмиз.

Йиллар ўтиб, ҳосилларимиз даромади ортидан тураржойларимизни яхшиладик. Ўзимга келсак, ўқиб, олий маълумотли бўлдим. Ота-онам самарқандлик кизга уйлантиришди. Уч қиз ва бир ўғил кўрдик. Қариндошлардан узоқлашиб кетмаслик учун, бир қизимни Самарқанд вилоятга узатганман. Колхозда анча йил бригадир бўлиб ишлаб, нафақага чиқдим...

Эронбой отанинг 26 нафар набираси ва 17 нафар чевараси бор. Отахон ҳар бирининг исми ва ёшини аниқ билади.

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ғанишер Иброҳимовнинг айтишича, бу қишлоқ ҳозир “Самарқанд” кўчаси деб аталади. Аҳоли чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланади, уларнинг 80 фоизи картошка етиштирилади.

Ҳозирда ҳудуддаги мактабда 170 нафар ўқувчи таҳсил олади, 80 нафар ёш олий таълим муассасалари талабаси.

Дарвоқе, маҳалла фуқаролар йиғини марказидан 7-8 километр олисда жойлашган “Самарқанд”га жамоат транспорти қатнамас экан. Қизиқ томони, аҳоли билан суҳбатлашганимизда бу борада умуман эътироз бўлмади. Чунки деярли ҳамма хонадонда автомобиль борлиги сабаб, жамоат транспортига эҳтиёж сезишмас экан. Қишлоқда бирламчи ижтимоий муассасалар ҳам ишлаб турибди.

Очигини айтганда, бугун айримлар арзимаган муаммолар билан масъул идораларга зир қатнаб юрган бир пайтда, олис маконда ҳалол меҳнат қилиб, ҳаётдан рози бўлиб яшаётган одамларга ҳавасимиз келди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА,
журналист

Хусусан, Тошкент туманидаги “Қамол Тўхтабой барака” фермер хўжалиги деҳқонларининг эрта баҳорда шимарган енглари ҳали билагининг пастига тушмади. Фермер хўжалигининг бугўйдан бушаган майдонларига экилган сабзи, картошка ҳосилдорлиги ҳам мўл бўлди. Гектаридан 25-30 тоннадан картошка ва сабзи йиғиштириб олинди. Йил бўйи бошқа экинлардан ҳам мўлжалдаги ҳосил олинди, дала меҳнаткашларининг даромади ва дастурхонига барака кирди.

– Хўжалигимизнинг 15 гектар ери бор, – дейди фермер Султонмурод Аҳмадов. – 4 гектар боғ ораларига сабзи, турп, исмалоқ уруғлари сепиб, саримсоқпиез экиб қўйдик. Бу экинлар эрта баҳорда етилиб, айни “илик узилди” пайтида аҳолига дармондори бўлади. Декабрнинг охири январь ойи бошларида айрим тўқсонбости экинлар устига пленка ёпамиз. Шунда ҳосил эрта етилади. Бу йил кузнинг илик келгани ишимизни анча енгиллаштирди, дала юмушларини ёгин-сочинли кунларга қолдирмасдан бажариб олдик.

Мутасаддилар берган маълумотларга кўра, тумандаги барча хўжаликларда тўқсонбости экинлар экишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги режа 2 минг 27 гектар эди. Амаралда 2 минг 51 гектар ерга турли хил тўқсонбости экинлар жойлаб бўлинди. Шундан: боғлар орасига – 289 гектар ерга пиез, 144 гектарга саримсоқпиез, 97 гектарга сабзи, 116 гектарга лавлаги, 1 минг 83 гектарга резаворлар экилди. Токзорлар орасига – 116 гектарга пиез, 62 гектарга саримсоқпиез, 25 гектарга сабзи, 62 гектарга лавлаги, 277 гектарга резаворлар экилди.

Ушбу экинлар фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва аҳоли мобил борлиги сабаб, жамоат транспортига эҳтиёж сезишмас экан. Қишлоқда бирламчи ижтимоий муассасалар ҳам ишлаб турибди.

Мулоҳаза

Шаҳарда одамлардан, машиналарнинг уёқ-буёққа ўтишидан, турли завод-фабрикалардан ва умуман, табиатдан чиқадиغان овоздан ташқари, яна бир қулоқни қоматга келтирувчи “шовқин эгалари” бор. Бу – ол-

дидан пашша учиб ўтсаям, “йўлимдан қоч”, дегандек сигнал чалувчи автобус ва машина ҳайдовчилар.

Хўш, аслида сигнал нима учун чалиниши керак?

ЙЎЛ МАДАНИЯТИДА ГЎЛМИЗМИ, “НОЛЬ”МИЗ?

2022 йил 1 майдан бошлаб ҳайдовчиларга аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг магнитофон ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралари ҳамда двигателдан белгиланган меъёрдан ортиқ шовқин кўтариш тақиқланди. Хусусан, сигналдан аҳоли пунктларидан ташқарида бошқа ҳайдовчиларни қувиб ўтиш ҳақида огоҳлантириш учун ҳамда зарур бўлган ҳолларда йўл-транспорт ҳодисасининг олдини олиш мақсадидагина фойдаланиш мумкин. Бошқа ҳолларда сабабсиз-сабрсиз сигнал чалиш БХМнинг бир баравари миқдорда жарима тўлаша сабаб бўлади. Асосли бўлган тақдирда бир марта сигнал чалиш етарли бўлишига қарамадан, қайта-қайта “карнайчилик қилиш” эса “беҳуда сигнал чалиш” деб топилади. Лекин бизда бу ҳол шу қадар эркин, улов эгалари ёнида кетаётган бошқа машинадаги ҳайдовчига нимадир демоқчи бўлганида, пиедаларга йўл беришда ва ҳатто светофорда қизил



ёна, яшил чироқни қақриб олмоқчи бўлгандек ҳуда-беҳудага кўчани тўлдириб, бор овозда сигнал чала бошлади.

Худди шу ҳолат юзасидан бир ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси ўзининг Facebook саҳифасида:

“Отчопар” даман. Абу Сахий автотурароҳининг пастида автобус бека-ти бор, зўр келса, ўнта, ўн бештагача йиғилиб кетади автобуслар. Бу акалар машина сигнални шунанқани босадик, бирваракайига тўртталаб автобус наҳорги ошга қақирилган карнайчидек қулоқни қоматга келти-

риб, кишини қушқондан чиқариши ҳеч гап эмас. Бир ҳайдовчи “ба-баб” қилиб, одамларнинг асабини эговласам, уловим тўсиқдан учиб ўтади, деб уйландим, билмадим. Ўв, барака толқурлар, бошқаларниям уйланглар...

Ўзи шаҳар ҳудудида, жамоат жойларида бемаза, бетутуруқ сигнал чалишни тартибга солиш керак. Отнинг калласидек жарима солиб, толганини тўласагина маданиятли одамдек сигнал босмасдан ҳайдарди, – дея мурожаатини ёзиб қолдирган.

Яна бир фойдаланувчи:
“Бизда одат бўлиб қолган бу,

Қонга сингиб кетган. Европада умуман чалишмайди. Бу уларда одобсизлик, ундан ташқари жаримага сабаб бўлади. Биздаги қонун чиққани билан ишламайди. Бирор кимнинг сигнал чалгани учун жарима тўлаганини эшитмадим. “ГАИ” ларни олдида чалсангиз ҳам бекор. Сабаби, жуда кўпчилик қилади бу ишни, ҳаммасини жаримага тортиш мантқан имконсиз. Бунинг учун одамларнинг ўзи бу нарсани тушуниб, одатга айлантириши керак. Тартиб йўқ, йўллар тиқилинч, ҳамма асабий. Сигнал чалиб, шу асабини босишга ҳаракат қилишадими, назаримда”, – деб фикр билдирган.

Умуман олганда, ривожланиш даражаси юқори ва шаҳарлашган тамаддунларда машина сигналлари фақатгина ўта зарур ҳолларда чалинади. Улардаги энг кўп машина шовқини эса, турли хизматларнинг сирена овозидир. Гўёки улардаги ҳайдовчиларнинг сабри чексиз, ҳаёти давомида тартибли машина ҳайдашдан булак иши йўқдек таассурот уйғотади одамда.

Қанчалар оғриқли бўлмасин, бизда аҳолининг ҳатто ҳайдовчилик ва йўловчилик маданияти ҳам бошқа саводхонликлар қатори ҳаминқадар. Агар ўзгариш қилиш керак бўлса, уни бугундан бошлаган маъқул. Бугун жамоат транспортдан кўпроқ фойдаланиш, бугун ишларни тўри режалаштириб, шовилмасдан уловга чиқиш, бугун йўл қоидаларига амал қилган ҳолда машина ҳайдаш, бугун асабларни жилволаб, камроқ сигнал тугмасини босиш керак.

Сиз, қандай фикрдасиз?

Назорат

ТАРТИБ БОР ЖОЙДА ТИНЧЛИК БЎЛАДИ

Янгийўл тумани ҳокими О.Атауллаев бошчилигидаги сектор раҳбарлари тегишли масъуллар иштирокида ҳудудда жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида тунги вақтда мақсадсиз юрган фуқаролар, уюлмаган ёшлар тўпланадиган жойларни ўрганди.

Жумладан, “Кўшөгоч”, “Шодлик” ва “Маданият” маҳалла фуқаролар йиғинларидаги овқатланиш шаҳобчалари, спиртли ичимлик сотувчи дўконлар ўрганилди. У ердаги фуқаролар ва ёшлар билан профилактик суҳбатлар ўтказилди.

Жамиятда юриш қоидаларини бўзиб, жамоат жойида спиртли ичимлик истеъмол қилган фуқароларга ва табиий газ, ичимлик суви ҳамда электр энергиясига ноқонуний уланган юрлик юришларга маъмурий тартибда баённомалар расмийлаштирилди. Шубҳали кўринган фуқаролар энг яқин МТПларга олиб борилиб, шахсига аниқлик киритиш мақсадида махсус базадан текширилди.

Аҳоли осойишталигини таъминлаш мақсадида ўтказилаётган бу каби рейд тадбирлари давом этади.

Абдулазиз МУСАЕВ

Яхшилар ёди

Шундай инсонлар бўладики, атрофдагиларга фақат яхшилик улашади, эл қорига ярашни ша- рафли бурч, деб билади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ар- бо- би, Фанлар академиясининг академиги, йирик иқтисодчи олим, ажойиб педагог, халқимиз- нинг фидойи фарзанди Эркин Шайхов ана шун- дай инсонлардан эди.

У 1927 йилнинг 13 ноябрь санасида зиёли ои- лада таваллуд топган. Эркин Шайховнинг яхши ўқиб, халқ орасида номдор жамоат ва давлат

арбоби бўлишида унга гўзал тарбия берган бобоси Аҳмадшайх отанинг хизматлари катта. Отаси Турди Шайхов касаллик туфайли 39 ёши- да вафот этгач, Иккинчи жаҳон уруши йилла- рида боқувчисини йўқотган оила муҳтожликда қолди. Кекса бобо-ю буви, онаси ва синглиси – 7-синф ўқувчиси қўлига қараб қолишди. Шун- дан сўнг уруш эрта улғайтирган зийрак ўспир- ин ўз ташаббуси билан ҳарбий заводга ишчи бўлиб ёлланди. 14 ёшида оғир меҳнат эвазига катта рўзғорни тебратишга киришди.



лақо ўзгартириб юборади. Олиб борила- ётган ҳар бир янги илмий излашни ўзининг манзилига, талабгорига эга бўлиши зарур. Аниқроқ айтганда, илмий излашлар ис- лоҳотларнинг янги босқичида юзага келаёт- ган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган бўлиши керак.

Бугунги кунда Тошкент давлат аграр университетиде Эркин Шайховнинг ибрат- ли ҳаёти, сермахсул илмий-педагогик ҳамда ижодий фаолияти акс этган музейде иқтидорли талабаларнинг “Ёш иқтисодчи- маркетологлар” илмий тўғараги фаолият олиб бормоқда.

Эркин аканинг фарзандлари ҳам ота- она тарбияси билан замонасининг олди йи- гит-қизлари бўлиб улғайишди.

Илҳом техника билимдони бўлиб етиш- ди. Холида тиббиёт фанлари доктори, профессор. Алишер халқаро алоқалар бо- расида таниқли арбоб, Германия, Япония, Бельгия, Буюк Британия давлатларида Ўз- бекистон Республикасининг Фавқуллода ва муҳтор элчиси бўлди. Кенжа ўғли Бахтиёр иқтисодчи. Эндиликда невра-эварлар ҳам Шайховлар сулоласини муносиб давом эттирмоқдалар.

Эркин Шайхов самарали ҳаёти ва фаоли- яти давомида ўзидан унутилмас из, яхши ном қолдирди. Унинг меҳнатлари муносиб тақдир- ланиб, давлатимизнинг кўплаб орден-медал- ларига сазовор бўлди. Атоқли давлат ва жа- моат арбоби 2009 йил 82 ёшида вафот этди. Ҳали ҳаёт давридаёқ Шайхов қўрдиган Тош- кент давлат аграр университети шаҳарчасини хоржиликлар “Шайховград” деб аташарди. Ўзбеклар фахр билан “Шайхов шаҳри” дейди- лар. Бу халқимизнинг ўз заковатли фарзанди- га катта ҳурмати, қаҳрамонимизнинг эса ўзига қўйган ҳайкалдир.

Эркин Шайхов қаерда ва қайси лаво- зимда фаолият кўрсатмасин, бажарган ишлари, яратувчанлиги, ташкилотчили- ги, бошқарувчилик салоҳияти, шунингдек, ёшларга раҳнамолиги билан эл оғзига тушди. У билан бирга ишлаган устозлар, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт соҳаси хо- димлари, шогирдлари фидойи инсон, раҳ- бар ва олим Эркин Шайховнинг ибратли ҳаёти, сермахсул илмий-педагогик ҳамда ижодий фаолияти ёшларга ибрат мактаби эканлигини ҳамиша чуқур эҳтиром билан таъкидлашарди.

Зеро, олимнинг олтин ўғитлари илмга чанқоқ ёшларимизнинг ҳаёт йўлини ёритиб, эзгуликка чорлаб тураверарди.

С. ИСЛОМОВ,
Тошкент давлат аграр университети
биринчи проректори,
профессор

ИЛМУ ФАНДА МАКТАБ ЯРАТГАН ОЛИМ

Мактабни тугатгач, унга заводдан тиб- биёт институтига йўланма берилди. Лекин Аҳмадшайх бобосидан ўтган хислат – ўси- млиги дов-дарахтларга бўлган меҳр туфайли у бошқа йўлни танлайди: 1944 йил Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга қиради.

Меҳнатда товланган йигит йиллар ўтган масъулиятли лавозимларда ўз фаолиятини давом эттирди. 6 йил ёшлар етакчиси, 4 йил Бука туманида биринчи раҳбар, 10 йил Тош- кент вилояти ижроия қўмитаси раиси, 5 йил Қишлоқ хўжалиги вазири ва нияҳат, 21 йил Тошкент қишлоқ хўжалиги институти (кейин- чалик Тошкент давлат аграр университети) ректори лавозимларида сидқидилдан хиз- мат қилди. Эркин Шайхов қишлоқ хўжалиги вазириликни бошқариб, мамлакатимизда деҳқончилик маданиятини юқори поғона- ларга кўтаришга ҳисса қўшди, олимлар ва тажрибали мутахассислар ҳамкорлигида республика шароитига мос равишда вилътга чидамли гўза навларини яратиш, агротехно- логияларни жорий этиш ишларига бош-қош бўлди. У нафақат талабчан раҳбар ва тажри- бали мутахассис, балки малакали кадрлар тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга садоқат руҳи- да тарбиялашнинг ҳам ўзига хос мактабини яратган муаллим ва мураббий эди.

Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ректори лавозимида иш бошлаганида илм маскани 36 гектар майдонни эгаллаган, бу ерда атиги 3 та икки қаватли бино бўлиб, қолганлари хом ёшдан қурилган бир қа- ватли бинолар эди.

Эркин Шайхов олий ўқув юрти мод- дий-техника базасини мустақамлаш,

талабаларнинг яхши ўқиши, яшashi ва дам олишлари учун зарур шаро- итларни яратишга катта эътибор билан қаради. Ўқув методик ва ил- мий адабиёт фондларини кўпайти- риш, электрон ахборот ресурслари билан тўлдириш, ўқув жараёни ва илмий тадқиқотларга ахборот-ком- муникацион технологияларни кенг- рок жорий қилиш борасида ҳам катта ишлар қилди. Ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ олий ўқув юртида техник таълим воситалари лабо- раторияси ташкил қилинган, би- лимларни дастурий назорат қилиш имконияти пайдо бўлди. Дастлаб лингафон кабинети ташкил этил- ди. Техник таълим воситалари ва ҳисоблаш техникаси билан жадал жиҳозлаш 70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлса, 80-йилларда ўқув корпуслари, талабалар тураржойлари, спорт-соғломлаштириш иншоотлари ку- рилиши жадаллаштирилди. Эркин Турдие- вичнинг бевосита раҳбарлигида мустақил илмий бўлимлар: қишлоқ хўжалиги илмий тажриба станцияси, илмий текшириш лабо- раториялари, аспирантура бўлими ташкил қилинди.

Ўша даврда институтнинг барча ўқув би- нолари ва талабалар ётоқхоналари филь- трланмаган ариқ суви билан таъминланар эди. 10 мингдан зиёд талабалар таҳсил оладиган илм масканидаги бундай ҳолдан таажжубланган Эркин Шайхов энг зарурий масала сифатида институт ҳудудини шаҳар



ичимлик суви тизимига улаш муаммосини ҳал қилди.

1990 йил 16 сентябрда институт ташкил этилганининг 60 йиллиги нишонланди. Та- рихий кунда Эркин Шайховнинг ташаббуси билан Тошкент қишлоқ хўжалиги институти Аграр университет макomini олди. Тала- балар, профессор-ўқитувчилар, ходимлар учун янги ошхона, чойхона, маиший хизмат уйи ишга туширилди, профилакторий, по- ликлиника, ҳарбий кафедра бинолари қад ростлади. Автотранспорт хўжалиги учун йи- рик сарой бунёд этилди.

Тошкент давлат аграр университетининг ўқув бинолари, лабораториялари, спорт иншоотлари, кутубхона ва талабалар ту- раржойлари раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари

Очиқ мулоқот



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МАҚСАДЛИ КУРАШАМИЗ

Нурафшон шаҳрида “Биз коррупцияга қаршимиз” ма- всуида семинар-тренинг ташкил этилди.

Унда Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси ҳамда тижорат банклари ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда диний идора вакиллари ишти- рок этишди.



– Мазкур мавзуда вилоят ҳокимининг тегишли фармо- йиши қабул қилинган, – дейди вилоят ҳокимлиги коррупция- га қарши кураш ички шўъбаси бош мутахассиси Музаффар Юсупов. – Унга кўра, вилоятда жорий йилнинг 14 ноябрдан 14 декабрга қадар “Корруп- цияга қарши курашиш ойлиги” ўтказилмоқда. Ойлик давомида давра суҳбатлари ва семинар- лар ташкил этиш ҳамда турли сўровномаларни ўтказиш режа- лаштирилган. Бундан қузлан- ган асосий мақсад – аҳолига

коррупция ва унинг туб илдири ҳоқида, иллатнинг салбий оқи- батлари тўғрисида маълумот бериш ҳамда биргаликда ку- рашиш гоёсини синдиришдан иборат.

Тадбир давомида йилгилан- ларга коррупцион ҳолатлар- нинг олдини олиш, унга қарши мақсадли курашиш ҳамда кор- рупция ортидан манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чо- раларини кўриш бўйича керак- ли кўрсатмалар берилди.

Жалолдин ЭСОНОВ
олган суратлар.

Тадбиркор – қонун ҳимоясида

Қибрай тумани адлия бўлими томонидан 2023 йилнинг ўтган даврида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари манфаатини кўзлаб судларга 90 дан зиёд даъво аризалари киритилган ҳамда уларнинг 98 фоизи қаноатлантирилган. Мурожаатларда асосан меҳнат ҳуқуқларининг бузилиши, пенсияга оид, тиббиётдаги ноҳақликлар, ер-мулк соҳаси- даги муаммолар ва тадбиркорлик субъектлари фаолиятига тўсқинлик ҳолатлари баён этилган.

Қарз ундириб берилди

Жумладан, 2023 йил 22 августда “М.С.С.” МЧЖ раҳбари М.А. туман ад- лия бўлимига кредитор қарздорлиги тўланмаётганлигидан норози бўлиб мурожаат қилган.

Аниқланишича, “М.С.С.” МЧЖ (аутсорсинг) низом асосида фаоли- ят юритувчи М.А. ва буюртмачи ўр- тасида 2023 йил 27 январда 3-сонли

шартнома тузилган.

Бироқ буюртмачи томонидан 2023 йил 1 июль ҳолатига кўра, МЧЖга нисбатан бир миллиард уч юз саккиз миллион тўрт юз тўқсон етти минг олти юз тўқсон уч сўмлик кредитор қарздорлик юзага келган бўлиб, ҳо- зирги кунга қадар тўлаб бериш чо- ралари амалга оширилмаган.



Ваҳоланки, Ўзбекистон Республи- каси Фуқаролик кодексининг 324-мод- дасида қардор мажбуриятни ба- жармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши шартли- ги белгиланган. Мазкур кодекснинг 703-моддасида ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси бўйича ижро-

чи буюртмачининг топшириғи билан ашёвий шаклда бўлмаган хизматни бажариш (муайян ҳаракатларни қи- лиш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш), буюртмачи эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олиши белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Ҳужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартно- мавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунининг 24-моддасига мувофиқ, тарафлардан бири шартнома маж- буриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф бошқа тарафга етказилган зар- арни тўлаб беришга жавобгар бўли- ши белгиланган.

Шунга кўра, мурожаат ўрганиб чиқилиб, жавобгарга нисбатан креди- тор қарздорлиқни ундириш тўғрисида Чирчиқ туманлараро иқтисодий суди- га даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарорига асосан мавжуд қарздорлик ундириб берилди.

Жаҳонгир АБДУСАТТОРОВ,
Қибрай тумани адлия бўлими
бош маслаҳатчиси

СПОРТ янгиликлари

ТАРИХ ТАКРОРЛАНДИ

Индонезияда ўтаётган футбол бўйича 17 ёшгача бўл- ган терма жамоалар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг 1/8 финал босқичи ўйинлари якунланди.

Унда Ўзбеки- стон ўсмирлар терма жамоа- си англиялик тенгқурларига қарши майдон- га тушишди. Қизқарли ўт- ган беллашувда вакилларимиз Амр Саидов ҳамда Лазизбек Мирзаевнинг голлари эвазига 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, чорак финалга йўл олишди.

Шу тариқа, жамоа ўзбек футбол тарихидаги энг яхши натижани такрорлади. Бундан 12 йил олдин Мек- сика яшил майдонларида ўтган мундиалда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси чорак финалга қадар етиб борган, бу ҳозирга қадар энг яхши натижа бўлиб тур- ганди.

Энди ярим финал йўлида вакилларимизга Франция тер- ма жамоаси рақиблик қилади. Учрашув 25 ноябрь кuni бў- либ ўтади.



ҲУМОЮН ЧОРАК ФИНАЛДА

Португалиянинг Вале-де-Лобо шаҳрида теннис бўйича “Фьючерс” туркумига кирув- чи турнир давом этмоқда.

Мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ дол- ларини ташкил этувчи турнирда ҳамюрти- миз Ҳумоюн Султонов ҳам ўз имкониятини синовдан ўтказяпти. У илк дав- рада чехия- лик Дэвид Полякни 2/6, 6/4, 6/1 ҳисобида маглубиятга учратди.

Турнир- да олтинчи рақам ости- да таснифланган юртдошимиз 1/8 финал- да яна бир чех теннисчиси Михал Лусов- скидан 6/3, 6/1 ҳисобида устун келди. АТР рейтингда 436-ўринни эгаллаб турган Ҳу- моюн энди ярим финал чиптаси учун бош- қа бир чехиялик теннисчи Гинек Бартонага қарши корта қиқади. Биринчи босқичда турнирнинг биринчи ракеткасини мусобақа- дан чиқариб юборган Бартон рейтингнинг 534-поғонасидан жой олган.



“ҚАНОТЛИЛАР” ҒОЛИБ

Хоккей бўйича Қозоғистон очик чемпионати доирасида Тошкентнинг “Хумо” жамоаси маҳаллий “Кулагер” клубига қарши навбатдаги учрашувни ўтказди.



Жамоалар ўртасида мунтазам чем- пионат доирасида ўтказилган сўнгги, тўртинчи ўйинда “Хумо” 3:2 ҳисоби- да “Кулагер”дан устун келди. Мазкур баҳсдан сўнг ўзаро ўйинлар қаршии “қа- нотлилар” фойдасига 4:0 кўринишига ўзгарди.

Кечаги баҳсда вакилларимиз қозоғис- тонлик рақибларини 3:1 ҳисобида доғда қолдирган эди.

Хоккейчиларимиз сафардаги икки уч- рашувда ҳам ғалаба қозонишди.

“Тошкент ҳақиқати” муҳбири
Сухробжон САДИРОВ
тайёрлади

Эхтиром

Ангрен шаҳрида таниқли шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Неъмат Душаевнинг 60 йиллик юбилейи муносабати билан "Дунё бир чамандир..." номли адабий-маданий кеча бўлиб ўтди.



Кичикфеъл шоирнинг катта тўйи



Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими томонидан ўтказилган кечада ижодкорнинг сафдошлари, яқинлари ва адабиёт ихлосмандлари иштирок этишди.

ридли ва вилоят ҳокимлиги совгалари топширилди.

Оқсоқол шоир Барот Исроил, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси бош муҳаррири Хумоюн Акбаров, профессор Абдурашид Ҳасанов, филология фанлари доктори Абдураҳмон Пиримқулов ва бошқалар шоир ижоди ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, Неъмат Душаевни кутлуғ ёши билан муборакбод этишди.

Тадбир доирасида шоирнинг тўрт жиллик "Сайланмаси"нинг биринчи жилди ҳам тақдим этилди.

Адабий анжуманда вилоят ҳокимининг ўринбосари Зухра Мирғозиева, шаҳар ҳокими Алишер Раимов иштирок этиб, ижодкорга сამимий тилаклар билдиришди.

Отабек БАКИРОВ, ЎзЖОКУ талабаси Жалолiddин ЭСОНОВ олган суратлар

Танлов



ВАТАН ТАРАҚҚИЁТИГА менинг ҳиссам

Бугун юртимизда ёшларга берилётган имконият ва имтиёзларнинг чеки йўқ. Улардан самарали фойдаланаётган, билим ва салоҳиятини тўғри йўналтира олаётган йигит-қизлар турли соҳаларда муваффақиятга эришмоқдалар.

Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида ана шундай иқтидорли ёшлар иштирок этган "Ватан тараққиётига менинг ҳиссам" республика танловининг Тошкент вилояти босқичи ғолиблари тақдирланди.

Мақзур танлов Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар ишлари агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Маданият вазирликлари, Миллий гвардия, Бадиий академия, Ёзувчилар, Журналистлар ва "Хунарманд" уюшмалари, "Маърифат" тарғиботчилар жамияти томонидан имзоланган қўшма қарор асосида илм-фан, санъат, маданият, ахборот технологиялари, бадий ижод, архитектура, дизайн, тадбиркорлик ва хунармандчилик соҳаларида фаолият юритаётган, ташаббускор талаба-ёшлар ўртасида ўтказиб келинмоқда.



билин чиқишлари учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, ёшларни замонавий билим ва тажрибалар, миллий ва умумбашарий кадрятлар асосида мустақил фикрлайдиган инсонлар этиб вояга етказишдан иборат.

Шу кунги танловнинг туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 72 нафар иштирокчи "Миллий маком", "Миллий эстрада", "Наср", "Назм", "Тасвирий санъат" ва "Амалий санъат" йўналишларида беллашишди. Ҳакамлар томонидан 6 та йўналиш бўйича 22 нафар ғолиб ва 8 нафар рағбатлантирувчи ўрин соҳиблари аниқланди.

– "Амалий санъат" йўналишида иштирок этдим, – дейди 1-ўрин соҳиб, бўкалик Камола Эгамназарова. – Очиғи, ижодий ишларимнинг юқори баҳола-нишини кутмагандим. Аслида шу танловда иштирок этиш орзуим эди. Бугунги ютуғим менга янада қанот берди. Ўзимга-ўзим янги орзулар томон "олға" дедим.

Тақдирлаш маросимидан аввал иштирокчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил қилинди. Унда уймакорлик, каштачилик, зардузлик, тасвирий санъат билан шуғулланаётган ёшларнинг ишлари намойиш этилди.

Яқунда ғолиблар диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Нигора ЎРОЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири Жалолiddин ЭСОНОВ олган суратлар

– Танловдан асосий мақсад – ёш авлод қалбида Ватанимиз тақдири ва келажаги учун дахлдорлик ҳиссини янада кучайтиришди, – дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Сайёра Файзиёва. – Шунингдек, Янги Ўзбекистонни барпо этиш, ёшларнинг юртимиздаги бунёдкорлик ишларида фаол иштирокни таъминлаш, уларда изланувчанлик, ўзи танлаган соҳага масъулиятни ошириш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва муносиб рағбатлантириш, янги ташаббуслар

Мана гап Баъзан, ҳақиқатнинг тубига тушгач, унияна қайта кўнгимиз келади. Фридрих Ницше

Янги рукн: Чинор остидаги "ДУ..." (ДУ – дўстона учрашув) 1-ҚИСМ: ҚИЗИҚЧИЛИК – ФАЛСАФА(МИ?) Одам ҳазилин тушунмаса, умри зое кетди деяверинг. "Агар пешонаси етти қарич бўлганда ҳам барибир у ақлли одам эмас", деган экан Антон Чехов. Ҳақиқатан, шундай. Кулгу – улуглар ҳам бўйин эгган кучдир... Очиги, юқоридagi каби "баландпарвоз" сўзлар билан "гап халтамни" тўлдириб, учрашувга кулгу, аския, қизиқчилик санъати билан боғлиқ анчагина саволлар тайёрлаб боргандим, аммо Аваз Охуннинг қандайдир тадбирга (доимгидек) шошиб турганини ҳисобга олиб, интервьюни "қисқа ва лўнда" вариантда ўтказишга қарор қилдик. – Авазбек, ижод туйғуларингизнинг самими оқишини олаётган санъаткорсиз. Айтинг-чи, ўзингиздан қониқиб яшап-сизми? – Юз фоиз эмас. Сабаби, бандамиз-да, баъзан кўпроқ ўзимизни уйлаб қўямиз. Гоҳо ношукрлик қиламиз. – Шоирнинг "Бу миллат йўғлаб туриб кулади, кулиб туриб йўғлайди", деган гапи бор. Шу сўзларга қандай қарайсиз? – Биласизми, мухбир ака, ўзи кулсаям қалби йўғлайди, деган гап уларнинг сабр-бардошига берилган таъриф бўлса керак. Чунки ўзи дард чекемаган, одамларнинг қалбидан ўтаётганини ҳис қилмаган инсон бошқаларни кулдира олмайди. – Бир одам бутун вужуди билан сени кулдираптими, демак унинг ўзи жуда катта ташвишнинг ичидан чиқиб келган. Кулгу – бу азоблардан қочиш учун топилган малҳам, дейишасиз. – Тўғри, биз айтаётган гаплар учун аслида йўғлаш керак. – Авазбек, сиз асли фалсафий қизиқсиз. Фалсафа – бу дунёдаги барча фанларнинг хирмонидир. Демак, ҳамма соҳа вакилларининг "юмор"ини топа олган одами ҳам фалсафий қизиқчи десак бўлаверарди. – Хизмат юзасидан талабалар даврасида ҳам кўп бўламан. Бир кун ана шундай учрашувдан сўнг олий ўқув юрти ректори билан суҳбатлашиб қолдик. Ушунда домла бир гап айтган эди: "Устозингиз Ҳожибой Тожибоев

деган экан... – Бу шундай миллатки, агар тепадан тош думалатиб юборсанг, кечгача кулиши мумкин. Агар тигиз гап тополмасанг, минг урин, тишининг оқиниям кўрсатмайди. – Устозим Маъмуржон ака "томирига тушиш керак" деб ўғит берганлар. Шу гапни кўнгилга муҳрлаганман. 2-ҚИСМ: ҚИСҚА САВОЛГА ЛўНДА ЖАВОБ – Сиз қандай одамсиз? – Бу саволга бошқалар жавоб бергани маъқул. – Ҳаётингизнинг мазмуни нимада? – Ота-онам, фарзандларим, яқинларим. – Нимани ёмон кўрасиз? 4-ҚИСМ: "УСТОЗ, БИТТА САВОЛИМ БОР..." Бу воқеа талабаликда бўлган эди. Таниқли актёр ва рассомларни ҳар кун кўрамиз. Шуларга ўхшаб санъаткор бўламанми, деб ҳавас қиламиз. Бир кун денг, машҳур рассом Рузи Чориевга кўзим тушди. Биласиз, соқоллари кўксига тушар, аммо ўзларига жуда ярашар эди. Шу кишига ҳазил қилгим келиб қолди. – Устоз, – дедим қўлимни кўксимга қўйиб, – битта савол берсам, айбга буюрмайсизми? – Бемалол. – Ухлагани ётганингизда мана шу соқолингизни кўрпанинг остига беркийтиб ётасизми ёки кўрпанинг устида қоладими? Рузи ака кулимсирлади: – Шунга аҳамийат бермаган эканман. Орадан бир ҳафтача ўтиб, у киши йўлимни тўсди: – Менга қара, соқолим ҳақида сўраган сен-мидинг? – деди аччиқ билан. – Тинчликми, устоз? – Сен савол берганингдан бери ухлолмайман: соқолимни кўрпанинг остига беркийтиб ётсам ҳам ноқулай, кўрпанинг устига чиқариб ётсам ҳам! Ҳе, саволинг бошингдан қолсин! 3-ҚИСМ: ҲАҚИҚАТНИ "МИШ-МИШ" ВА "ТўШНИ" МАЪЛУМОТ – Аваз Охун деган қизиқчи чиқибди, Ҳожибойнинг шоғирди эмиш... – Йўғ-ей, бу йигит "Мирзо театр"да ишлаб юрарди. Мирзо, Валижонларнинг шоғирди. – Э, тортишманлар! Мен "тўшни" билман: илгари водийда Охунжон қизиқ деган одам ўтган. Ушанинг неварасими, эварасими бўларкан бу бола! – Шунинг учун экан-да жа-а гаплари дадил! 5-ҚИСМ: ЭР-ХОТИННИНГ УРУШИ... – Дадаси, эртага бизникига ойим келарканлар. – ... – Узоқ қолиб кетмас эканлар, атиги бир ҳафтача. – ... – Гапимни эшитяпсизми? – ... – Жуда яхши-да! Ойим келишини эшитиб, жаҳлингиз чиқяптими? – ... – Менга бақирманг!!! ...Сиз Саид Аҳмаднинг "Жимжитлик" асари асосида сахналаштирилган "Соқов хотин" комедик трагедиясидан бир парча томоша қилдингиз. Бош ролда: Овоз(сиз) ОҚ, УН. Овоз ОҚ, УН (метрикада Аваз ОХУН) ҳақидаги мақолани Тўхтамурад ҲАСАНБОЕВ тайёрлади.

TOSHKENT HAQIQATI TASHKENTSKAYA PRAVDA Muassis: TOSHKENT VILOYATI HOKIMLIGI Zoyir MIRZAYEV (tahrir hay'ati raisi) Umnat MIRZAQULOV Hotamjon SAYDAHMEDOV G'afurjon MUHAMEDOV Sirojiddin ESHQUVVATOV Tohir ARIPOV Mahmud TOIR Uskenboy ATEMOV Abdulla XURSANOV Mahmudjon BOLTABOYEV Kumush EGAMBERDIYEVA Olimjon BEGALIYEV Zarifa ERALIYEVA Sergey MUTIN Bosh muharrir: G'ayrat SHERALIYEV Qabulxona: (55) 520-64-95 Bosh muharrir o'rinbosari: (55) 520-04-10 Mas'ul kotib: (55) 520-05-10 Bo'lim muharrirlari: (55) 520-06-20, (55) 520-04-20 E'lonlar va hisob-kitob bo'limi: (55) 520-21-20 e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz Mas'ul kotib: Alloma AZIZOVA Navbatchi: Suhrobjon SADIROV Bosishga topshirish vaqti - 21.00. Bosishga topshirildi - 19.30 Nashr ko'rsatkichi - 205. Buyurtma G-1131. 4 906 nusxada chop etildi. Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qog'oz bichimi A-2. Bahosi kelishilgan narxda. Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan ro'yxatga olingan. Manzil: 111500, Nurafshon shahri, Toshkent yo'li ko'chasi, 90. Toshkent shahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq ko'chasi, 2. ISSN 2010-9318. Gazeta «Toshkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxo'jayev tomonidan sahifalandi. Haftaning chorshanba va shanba kunlari chiqadi. «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxonasi manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. 123456